

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЙ МАРКАЗ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЙ МАРКАЗ**

СОПАЕВ ЗИНАТ

**КЕКСАЛАРДА СОН СУЯГИНИНГ ПРОКСИМАЛ СИНИШЛАРИДА
ТОС-СОН БЎҒИМИНИ ЭНДОПРОТЕЗЛАШ**

14.00.22 – Травматология и ортопедия

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstracts of Doctor of Philosophy (PhD)

Сопаев Зинат

Кексаларда сон суюги проксимал синишларида
тос-сон бўғимини эндопротезлаш..... 3

Сопаев Зинат

Эндопротезирование тазобедренного сустава при переломах
проксимального отдела бедренной кости у пожилых..... 23

Sopaev Zinat

Hip replacement for fractures of the proximal femur in the elderly..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЙ МАРКАЗ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЙ МАРКАЗ**

СОПАЕВ ЗИНАТ

**КЕКСАЛАРДА СОН СУЯГИНИНГ ПРОКСИМАЛ БЎЛИМИ
СИНИШЛАРИДА ТОС-СОН БЎҒИМИНИ ЭНДОПРОТЕЗЛАШ**

14.00.22 – Травматология и ортопедия

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2 PhD/Tib3618 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббий марказда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) ва Миллий ахборот агентлигининг (www.uza.uz) веб-саҳифасида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимов Азиз Пулатович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Валиев Эркин Юлдашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шорустамов Мухаммаджон Таджиалиевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббий маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 78 уй. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббий марказ. Тел.: (+99871) 233-10-30. e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, info@tma.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббий маркази кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100147, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Ирисметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М.Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.М.Дурсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сон суягининг проксимал бўлими синишлари кўл-оёқларнинг барча суяклари синишларининг нисбатан асосий қисмларини ташкил қилади ва даволашдан кейин «...беморларнинг 50 дан 70% гача қисми одатий ҳаётга қайтмайди, 50 ва ундан катта ёшдаги беморларда ўлим ҳолати 17 дан 50,2% гачани ташкил этади...»¹. Остеопороз ва унинг асоратлари катта ёшдаги беморларда синишларининг етакчи сабаби ҳисобланади. Умр кўришнинг ўртача давомийлиги узайиши билан боғлиқ ҳолда кексаларда синишлар миқдорининг ошиб боришини инобатга олган ҳолда бу муаммо жуда ҳам долзарбдир.

Жаҳонда сон суягининг проксимал бўлими синишларини даволаш соҳасида илмий тадқиқотлар давом этмоқда. Жарроҳлик йўли билан даволаш синиш хусусияти, бемор ёши ва ёндош касалликлар мавжудлигига боғлиқ ҳолда турли услублар қўлланилиши билан амалга оширилади. Блоклайдиган пластиналар ва винтлар, динамик винтли пластиналар билан остеосинтез қилиш, перкутан остеосинтез, DHS – динамик винтли суяк усти пластина усули, проксимал сон ўқи билан интрамедулляр блокловчи остеосинтез, шунингдек биполяр эндопротезлаш ва тотал эндопротезлаш каби услублар оптималлаштирилмоқда. Роботлаштирилган технология ишлаб чиқилмоқда. Регенератив тиббиётнинг хужайра ва бошқа технологиялари билан бир қаторда имплантологиянинг янги материалларидан, сунъий интеллект негизида яратилган маҳсулотлар ҳам фойдаланилмоқда. Артропластикада роботлардан фойдаланиш борасида олиб борилган тадқиқотларнинг метатаҳлили бажарилиб, эндопротезлашни режалаштиришда 3D математик моделлаштириш қўлланилмоқда. Лекин, даволашнинг аниқ бир услубини танлашга бўлган кўрсатмалар ноаниқлигича қолмоқда, баъзида эса улар бир бирига зид. Шунга қарамасдан, кекса ёш ҳисобга олинган ҳолда жарроҳлик даволаш услубларининг самарадорлиги етарли бўлмаслиги сабабли сон суягининг проксимал бўлими синишларини жарроҳлик усулида даволашга қаратилган ёндашувларни такомиллаштириш жуда муҳим.

Бизнинг мамлакатимизда таянч-ҳаракат аппаратнинг шикастларида тиббий ёрдамнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилашни таъминлаш ва комплекс мақсадли тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади. Улар қаторига қуйидаги «...соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш...»² каби муҳим вазифалар киради. Замонавий травматологиянинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб сон суягининг проксимал бўлими

¹ Дубров В.Э., Юдин А.В., Сапрыкина К.А., Рагозин А.О., Зюзин Д.А. 2016; Современный взгляд на оказание медицинской помощи при переломах проксимального отдела бедра у лиц пожилого и старческого возраста. Российский журнал гериатрической медицины, 2016.-№2.-С. 152-156.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 18 декабридаги ПП-4063-сонли «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чорағтадбирлари тўғрисида»ги Қарори

синушлари бор беморларни оператив даволашнинг оптимал ва самарали услубларини таклиф қилган ҳолда даволаш натижаларини яхшилаш ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги “Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-6-сон қарори, 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-283-сон қарори, 2022 йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-215-сон қарорида ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда маълум бир даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларга кўра сон суяги проксимал синушлари бўлган қари ва кекса ёшдаги беморларда даволаш усуллари ва тактикасини танлаш кўп сонли турли фикрларни билдиради, қўлланилаётган услублар ҳар доим ҳам ижобий натижаларга олиб келавермаслиги таъкидланади, шу сабабдан долзарб ҳисобланади. 70 ёшдан катта беморларда эса хирургик даволаш усуллари масаласи янада долзарбдир (Bhandari M., 2003). Ҳозирги кунда янги замонавий темир мосламалар кўпайиб бориб, улардан фойдаланиш ва бекаму-кўст даволаш услуби ҳанузгача оқсамокда ва қатор беморлар ёши, жинси, синуш хусусиятлари каби кўпгина омиллар таъсири чуқурроқ ўрганишни тақозо этади. Масалан, сон суяги бошчасини эндопротезлаш тактикаси ва техникасини танлаш масаласи мунозаралар мавжуд. Оператив даволашдан сўнг асоратлар ва қоникарсиз функционал натижалар миқдори жуда юқори ва 30% га етиб боради (Војан А.У., 2013). Сон суяги бўйинчаси синушларида классик эндопротезлаш амалга оширилади (Шаповалов В.М., 2011), соннинг кўстли синушларида эса остеосинтез вариантлари кўпроқ танланади (Carson J.L., 2016). Операциядан кейинги даврда оёққа эрта юк бериш масаласи ҳам жуда муҳим (Lopez-Lopez J.A. 2017). Сон суяги проксимал синушларини фиксациялашда ҳам ушбу масала муҳимлигини йўқотмайди. Кўпчилик мутахассислар таъкидлашича, нинг замонавий тизимларидан фойдаланилганда операция ўтказилган оёққа бўлган юклама ҳал қилинади, ҳаттоки кекса ёшдаги беморларда ҳам. Аммо, ушбу тоифадаги беморларнинг аксариятида тос-сон бўғими коксартрози ва остеопороз каби ёндаш патология мавжудлиги сабабли кўп миқдордаги асоратлар юзага келади (ҳатто юқорида келтириб ўтилган касалликлар бўлмаса ҳам) ва металл мосламаларнинг миграцияси учраш тезлиги етарлича баланд (Lopez-Lopez J.A., 2018).

Бизнинг мамлакатимизда эндопротезлаш технологиясини жорий қилиш ва такомиллаштириш борасида маълум бир мувафакқиятларга эришилган. Асептик нобарқарорлик ва тромбоземболик асоратлар профилактикаси борасида илмий тадқиқотлар олиб борилган, тос-сон бўғими ва чанок шикастларида эрта эндопротезлаш бўйича янги инновацион ғоялар ва технологиялар жорий қилинган (Азизов М.Ж., 2011). Эндопротезлаш шикастланган оёқни эрта муддатларда юклама остига олишга имкон бериб, реабилитацияни тезлаштириши, ёндош касалликларнинг чуқурлашишини олдини олишга шароит яратиши, ҳаёт сифатини ошириши исботланган (Азизов М.Ж., 2014). Сон суяги проксимал синишларида дифференциаллашган ёндашишни тавсия қилишган. Бунда сон суяги синиш чизиги, бемор ёши ва ёндош касалликлар ҳисобга олинади. Латерал синишларда эса, шунингдек 60-65 ёшгача бўлган беморларда, остеосинтезнинг турли вариантларини амалга оширишни таклиф қилишган (Акрамов В.Р., 2011; Асилова С.У., 2015).

Сон суягининг проксимал бўлими синишларини остеосинтездан кейинги қайта операциялар кўп вазиятларда даволаш услубини танлашдаги хатолик, ҳам металл мосламаларни имплантация қилиш услубини ва операция техникасини бузиш, ҳам беморни операциядан кейин нотўғри кузатиш билан боғлиқ (Војан А.У., 2013). Қари ва кекса беморлардаги сон суяги проксимал синишларида эндопротез оёқчасини барқарорлаштириш муаммоси тадқиқотларни давом эттиришни тақозо қилади (De Vincentis A., 2020). Шунингдек, эндопротезлашга бағишланган илмий тадқиқотларда сон суягининг проксимал синишларида эндопротезларнинг ҳар хил турлари билан эндопротезлаш масалалари тўлиқ ёритилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббий марказининг ПЗ-20170928443 «Тос-сон ва тизза бўғимлари патологиялари мавжуд беморларни оператив даволашнинг каминвазив услубларини ишлаб чиқиш» илмий лойиҳаси доирасида 2018-2021 йилларда бажарилган.

Тадқиқот мақсади тос-сон бўғими эндопротезлаш услубларини такомиллаштириш йўли билан кекса ёшдаги беморларда сон суяги проксимал синишларини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

кекса ёшда сон суяги проксимал бўлими синишларини анъанавий услублар билан даволаш натижаларини ретроспектив таҳлилин аналга ошириш;

кекса ёшдаги синишларда рентгенденситометрик маълумотлар ва коморбид ҳолат асосида оператив даволаш тактикасини ишлаб чиқиш;

эндопротезнинг сон компоненти ҳисобга олинган ҳолда сон суягининг проксимал синишларини фиксациялаш усулларини ишлаб чиқиш;

кекса ёшдаги беморларда сон суяги проксимал синишларида эндопротезлашнинг оптимал турини аниқлаш;

сон суягининг проксимал синишлари оператив даволашнинг ҳар хил турлари билан даволанган кекса ёшдаги беморларда реабилитация услубларининг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида сон суягининг проксимал синишлари билан 2015 йилдан 2023 йилгача Республика травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббий маркази травматология бўлимида тос-сон бўғимини эндопротезлаш услуби билан даволанган 120 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида сон суягининг проксимал синишлари мавжуд бўлган беморларнинг клиник, рентгенологик, мультиспирал компьютер томография, рентгенденситометрия натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари сифатида клиник, рентгенологик, мультиспирал компьютер томографик, рентгенденситометрик, биомеханик текширувлар ва статистик қайта ишлаш услублари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

кексаларда сон суяги проксимал синишларида АО/АТО классификацияси бўйича синиш турига, денситометрик кўрсаткичлар ва беморнинг умумий коморбид ҳолатига қараб, чанок-сон бўғимини эндопротезлаш усулини танлашга дифференциал ёндашув учун имкон яратувчи оптимал оператив даволаш тактикаси асосланган;

остеосинтезнинг турли версияларини ретроспектив ўрганиш асосида кўп фрагментли ностабил турдаги проксимал сон суяги синишлари ва минерал зичлиги паст бўлган беморларда қоникарсиз даволаш натижалари кам бўлаккли ва барқарор синишларни малоинвазив Гамма тизимини қўллаш орқали даволаш натижаларига кўра юқори эканлиги исботланган;

сон суяги проксимал синишларида икки ёки ундан ортиқ Киршнер сикларидан фойдаланиб ва сикларнинг учларини таянч сифатида пастга эгиш йўли орқали суяк бўлақларини маҳкамлаш асосида чанок-сон бўғимини эндопротезлаш усули ишлаб чиқилган, бунда Киршнер сикларининг таранглигига ва суяк бўлақларининг барқарор фиксациясига эришилганлиги исботланган;

сон суягининг проксимал бўлими синишлари мавжуд 70 ёш ва ундан катта ёшдаги беморларда тотал эндопротезлашга солиштирганда биполяр эндопротезлаш ишонарли тарзда 10% га самарали эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тос-сон бўғими остеосинтезининг ҳар хил турлари ва тотал эндопротезлашдан сўнг операциядан кейинги, эрта ва кеч асоратлари бор бўлган беморларни хирургик даволаш натижаларини ретроспектив клиник таҳлили тафтиш аралашувлари зарурлигини тасдиқловчи у ёки бу асоратлар ҳақидаги маълумотларни олишга имкон бериши исботланган;

эндопротезлашдан кейинги асоратларни кутишнинг вақт омили исботланган, бунда эрта кечиккан асоратлар 2-2,5 йилда пайдо бўлмаган бўлса, кейинчалик 10-12 йил муддатда бўғимнинг асептик нобарқарорлиги клиник кўринишларини кутиш мумкинлиги исботланган;

сон суягининг проксимал бўлими синишларида ҳалқа кўринишидаги “таранглаштирилган сиклар” услубини қўллаш йўли билан стандарт сон

компонентидан фойдаланиш суяк фрагментларини барқарор фиксациялашга имкон беради, бунда уларнинг бутунлиги бузилмайди, яъни серкляжнинг стресс таъсири ёки металл сим билан суяк тешилиши кузатилмайди деган хулоса исботланган;

беморда мавжуд бўлган асоратлар хавф омилларини ҳисобга олиган ҳолда тос-сон бўғимини эндопротезлашдан кейинги асоратларни башорат қилиш тактикасини қўллаш юзага келиш эҳтимоли бор хавфларни ўз вақтида ва мақсадли олдини олиш имкониятини бериши исботланган;

тос-сон бўғимини биполяр эндопротезлаш, тотал протезлашга солиштирилганда, оператив аралашувнинг кичик ҳажмлилиги ва кам шикастлилиги эканлиги ва шу билан ижобий самараларга эришилиши исботланган.

Олинган натижаларнинг ишонарлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишонарлилиги клиник, рентгенологик, мультиспирал компьютер томографик, рентгенденситометрик, биомеханик ва статистик усуллар қўлланилишига асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кексаларда сон суяги проксимал синишларида АО/АТО классификацияси бўйича синиш турига, денситометрик кўрсаткичлар ва беморнинг умумий коморбид ҳолатига қараб, чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш усулини танлашга дифференциал ёндашув учун имкон яратувчи оптимал оператив даволаш тактикаси асосланганлиги, остеосинтезнинг турли версияларини ретроспектив ўрганиш асосида кўп фрагментли ностабил турдаги проксимал сон суяги синишлари ва минерал зичлиги паст бўлган беморларда қониқарсиз даволаш натижалари кам бўлакли ва барқарор синишларни малоинвазив Гамма тизимини қўллаш орқали даволаш натижаларига кўра юқори эканлиги исботланганлиги, сон суягининг проксимал синишларига эга 70 ёш ва ундан катта ёшдаги беморларда биполяр эндопротезлаш тотал эндопротезлашга таққосланганда 10%га ишонарли тарзда самаралигини исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тос-сон бўғимини биполяр эндопротезлар билан эндопротезлаш тафтишли аралашувлар сонини камайтиришга ва тос-сон бўғимининг оёқча компоненти энг юқори барқарорлигига эришишга имкон бериши, сон суяги проксимал синишлари мавжуд 70 ёш ва ундан катта ёшдаги беморларда биполяр эндопротезлаш амалиёти кам қон йўқотиш, аралашув вақти қисқарганлиги, таянч қобилиятининг ва оёқ функциясининг тез тикланиши борасида хирургик даволашнинг энг оптимал усули эканлигининг исботланиши, сон суяги проксимал синишларида икки ёки ундан ортиқ Киршнер сихларидан фойдаланиб ва сихларнинг учларини таянч сифатида пастга эгиш йўли орқали суяк бўлакларини маҳкамлаш асосида чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш усулининг ишлаб чиқилганлиги, бунда Киршнер сихларининг таранглигига ва суяк бўлакларининг барқарор фиксациясига эришилганлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг илмий ишлангани соғлиқни сақлаш тизимининг бошқа муассасаларига жорий қилиш ҳақидаги 2024 йилнинг 10 декабрдаги 10-сонли қарорига биноан:

биринчи илмий янгилик: кексаларда сон суяги проксимал синишларида синиш характери, суяк тўқимасининг минерал зичлиги ва коморбид шароитга боғлиқ ҳолда тос-сон бўғимини эндопротезлашнинг энг оптимал турини танлаш имконини берувчи ташҳислаш ва даволаш тактикаси асосланган. Тадқиқот натижалари Навоий вилояти кўп тармоқли марказ (12.06.2023г. №46), Республика травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббий марказнинг Самарқанд филиали (14.02.2024 г. №752) ва Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббий марказ (13.05.2024 г. №109-1/П) амалиётига тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* тотал эндопротезлаш услубини жорий қилиш оғриқ синдроми жадаллигини 10%га камайтириш, оператив аралашув вақтини 1,0-1,5 соатга қисқартириш, эрта реабилитация ва тос-сон бўғими функциясининг тўлиқ тикланишига имкон беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* юмшоқ тўқималар шикастланиши камлиги, асоратлар учраши пасайиши, стационар даво муддатлари қисқариши, реабилитация даври қисқариши 80,9% ҳолатларда яхши натижалар олишга имкон беради. Бир беморнинг госпитализация давомийлиги 14 кундан 9 кунгача қисқарди, бу 1690 минг сўм тежалишига олиб келди (Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази прејскурантига кўра, стационар даволашнинг 1 кунлик нархи 338 минг сўмни ташкил қилади); медикаментлар сарф-харажати камаяди (тахминан 110 минг сўмга); қайта операциялар йўқлиги бюджет маблағларини 2390 минг сўмга тежалишига имкон беради; беморларни реабилитация харажатлари (реабилитациянинг 1 куни ўртача 338 000 сўмни ташкил қилади); ишлаб чиқилган кўрсатмалардан фойдаланиш беморларнинг эрта вертикализациясига ва эрта реабилитацияни бошлашни тезлаштиради, бу беморларнинг ногиронлигини камайтиради. *Хулоса:* кексаларда сон суягининг проксимал бўлими синишларини ташҳислаш ва даволаш борасида исботланган тактикани қўллаш бир беморга нисбатан 5 640 000 сўм тежалишига шароит яратди.

иккинчи илмий янгилик: Zweimuller alloclassic, Wagner туридаги узун оёқча асосидаги тос-сон бўғими эндопротезларининг сон компонентлари тизими суяк фрагментларини серкляж ва винтлар билан барқарор фиксациялашга имкон бериши исботланган. Тадқиқот натижалари Навоий вилояти кўп тармоқли марказ (12.06.2023г. №46), Республика травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббий марказнинг Самарқанд филиали (14.02.2024 г. №752) ва Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббий марказ (13.05.2024 г. №109-1/П) амалиётига тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Zweimuller оёқчасидаги техник тешиклар катта кўст синиқларини лавсан билан фиксациялаш ёки синиш фрагментлари характерига боғлиқ ҳолда симли чок ўтказишга имкон берди. Дистал

фиксацияланадиган конуссимон шаклдаги оёқчаси бор Wagnerнинг тафтиш тизими серкляж ва трансфрагментар винтларни қўллаш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* юқорида кўрсатиб ўтилган сон компонентлари тизимини амалиётга тадбиқ қилиш тафтишли реэндопротезлашни амалга оширишни талаб қиладиган сохта бўғим ва сон компонентининг нобарқарорлиги каби асоратлар ривожланишини олдини олиш имконини берди, ушбу асоратларни даволаш учун, мос равишда, тахминан 10000000 сўм ва 50000000 сўм ишлатилади. *Хулоса:* тос-сон бўғимининг Zweimuller alloclassic, Wagner эндопротезларининг сон компонентлари тизимини қўллаш орқали 1 беморни даволаганда чамаси 25000000 сўм харажат талаб қиладиган асоратлар ривожланишини олдини олишга имконият яратди.

учинчи илмий янгилик: сон суягининг проксимал синишларида икки ёки ундан ортиқ Киршнер сихларидан фойдаланиб ва сихларнинг учларини таянч сифатида пастга эгиш йўли орқали суяк бўлакларини маҳкамлаш асосида чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш усули ишлаб чиқилган, бунда Киршнер сихларининг таранглигига ва суяк бўлакларининг барқарор фиксациясига эришилганлиги исботланган (“Кўп фрагментли синишда тос-сон бўғимини эндопротезлашда синиқларни фиксациялаш услуги”, № FAP 2423). Тадқиқот натижалари Навоий вилояти кўп тармоқли марказ (12.06.2023г. №46), Республика травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббий марказнинг Самарқанд филиали (14.02.2024 г. №752) ва Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббий марказ (13.05.2024 г. №109-1/Г) амалиётга тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* кекса ёшдаги беморларда биполяр бошчали сон компонентларини қўллаш оператив аралашувнинг ҳажми ва давомийлигини 1-1,5 соатга қисқартиради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* сон суягининг проксимал бўлими кўп фрагментли синишида суяк синиқларини таранглаштирилган Киршнер сихлари билан фиксациялашни қўллаш оператив аралашувнинг ҳажми ва давомийлигини 1-1,5 соатга қисқартириш имконини беради, бу молиявий эквивалентда 1792000 сўмдан 2688000 сўмни ташкил қилади. *Хулоса:* сон суягининг проксимал бўлими кўп фрагментли синишларида суяк синиқларини таранглаштирилган Киршнер сихлари ёрдамида фиксациялаш усулини кексаларда қўллаш оператив аралашув ҳажми ва давомийлиги қисқаришига, натижада молиявий чиқимларнинг ўртача 2000000 сўмга тежалишига олиб келди.

тўртинчи илмий янгилик: сон суягининг проксимал бўлими синишлари мавжуд 70 ёш ва ундан катта ёшдаги беморларда тотал эндопротезлашга солиштирганда биполяр эндопротезлаш ишонарли тарзда 10% га самарали эканлиги исботланган. Тадқиқот натижалари Навоий вилояти кўп тармоқли марказ (12.06.2023г. №46), Республика травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббий марказнинг Самарқанд филиали (14.02.2024 г. №752) ва Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббий марказ (13.05.2024 г. №109-1/Г) амалиётга тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* биполяр эндопротезлашнинг устунликларига қуйидагилар тааллуқли: оператив аралашув вақтини ва қон йўқотишни камайтириши, бунда муолажа

давомийлиги чамаси ярим соатга қисқаради; максимал тез реабилитация; имплантатларнинг бошқа турларига солиштирганда техник жиҳатдан бажарилиши оддийлиги; манипуляциянинг кам қийматлилиги; кўпгина ишлаб чиқарувчилар олиниб-солинадиган бошчали протезларни таклиф қилишади, бу маълум бир бемор учун имплантатни танлаш масаласини енгиллаштиради, шунингдек тафтишли операция масаласини оддийлаштиради; протез яроқлилиқ муддати катта; тос-сон бўғимини тотал эндопротезлашга (икки соатдан кўп давом этади) солиштирганда биполяр эндопротезлаш операцияси анча тез (чамаси ярим соат) бажарилади ва ҳам наркоз остида, ҳам маҳаллий анестезия қўлланилган ҳолда бажарилиши мумкин, бу операция тотал эндопротезлашга қараганда анча кам шикастли ва кам энергия талаб қиладиган усул. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги*: бир беморнинг госпитализация давомийлиги 14 кундан 9 кунгача қисқарди, бу 1690000 сўм тежалишига олиб келди (Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази прејскурантига кўра, стационар даволашнинг 1 кунлик нархи 338 минг сўмни ташкил қилади); медикаментлар сарф-харажати камаяди (тахминан 110 минг сўмга); қайта операциялар йўқлиги бюджет маблағларини 2390 минг сўмга тежалишига имкон беради; беморларни реабилитация харажатлари (реабилитациянинг 1 куни ўртача 338 000 сўмни ташкил қилади); биполяр эндопротезлаш усулини қўллаш эрта реабилитация имкониятини оширади, бу эса беморларнинг ногиронлигини камайтиради. *Хулоса*: кекса ва қари ёшдаги беморларда биполяр эндопротезлашдан фойдаланган ҳолда тос-сон бўғимини эндопротезлашнинг кам шикастли услубларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Сон суягининг пркосимал бўлими синишлари мавжуд 60 ёшдан 87 ёшгача бўлган беморларда тотал ва биполяр эндопротезлашни қиёсий таҳлил қилиш биполяр бошчали тос-сон бўғими эндопротез тизими самарадорлиги ушбу ёш доирасида 10% дан баланд.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 5 та республикаміз илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан асосий илмий натижаларни чоп этишга рухсат берилган илмий журналларда 7 та илмий иш нашр қилинган, шулардан 3 таси республика ва 4 таси хорижий нашриётларда чоп қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация компьютер матнда баён этилган ва кириш, 5 та боб, хотима, хулосалар, адабиётлар рўйхати, шартли қисқартмалар ва иловалар қисмларидан ташкил топган бўлиб, 100 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги, мақсад ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Кексаларда сон суяги проксимал синишларини даволашнинг замонавий ҳолати (адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган. Ушбу бобда 70 ёшдан катта беморларда сон суяги проксимал синишларини (ССПС) ташҳислаш, оператив даволаш ва реабилитация қилишнинг долзарб масалалари, шу жумладан, консерватив ва даволашнинг асосий муаммоси бўлган одатий кўрпа-тушак тартибига тааллуқли анъанавий даволаш услублари билан боғлиқ муаммолар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сон суяги проксимал синишлари мавжуд беморларни ташҳислаш, даволаш ва реабилитация қилишга қаратилган клиник тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материал ва услублари баён этилган. Тадқиқотлар 2015 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббий марказида олиб борилган ва ўз ичига ССПС бор кекса ёшдаги 120 нафар беморларни стационар даволаш натижаларини олди. Беморлар учта гуруҳга ажратилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Беморларнинг ёш ва жинси бўйича тақсимланиши

Беморлар ёши	Текширилган гуруҳлар, жинси						Жами
	ретроспектив таҳлил гуруҳи		асосий, n (%)		назорат, n (%)		
	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл	
70 дан 75 ёшгача	5 (4,2%)	7 (5,8%)	6 (5,0%)	8 (6,7%)	3 (2,5%)	5 (4,2%)	34 (28,3%)
75 дан 80 ёшгача	8 (6,7%)	13 (10,8%)	7 (5,8%)	15 (12,5%)	6 (5,0%)	12 (10,0%)	61 (50,9%)
80 ёш ва ундан катта	2 (1,7%)	6 (5,0%)	3 (2,5%)	7 (5,8%)	2 (1,7%)	5 (4,2%)	25 (21,0%)
Жами	15 (12,5%)	26 (21,7%)	16 (13,3%)	30 (25,0%)	11 (9,2%)	22 (18,3%)	120 (100%)

Эслатма: – n – беморлар сони, % – фоиз нисбати.

Келтирилган 1-жадвалдан кўришиб турганидек, 68 нафар беморлар ёши 70 ёшдан катта. Беморларнинг ўртача ёши 76 ёш. Бундан ташқари, 62 нафар (65,3%) беморлар аёл жинсига мансуб.

Биринчи гуруҳ – ретроспектив таҳлил гуруҳи – ССПС сабабли остеосинтезнинг ҳар хил турлари қўлланилган ҳолда даволанган 41 нафар беморлар. Биринчи гуруҳда ССПСни турли услублар билан даволашни текшириб чиқдик. Қуйидаги даволаш усуллари қўлланилган: блокловчи пластина ва винтлар, динамик винтли пластиналар, перкутан остеосинтез, DHS – динамик винтли суяк усти пластиналари, интрамедулляр блокловчи остеосинтез (проксимал сон стержени) ва блокловчи штифт қўлланилган ҳолда остеосинтез. 41 нафар беморларда даволаш натижалари ва асоратлар таҳлил этилган.

Иккинчи гуруҳ – аоссий гуруҳдаги 46 нафар беморлар (48,5%).

Учинчи гуруҳ – назорат гуруҳи – 33 нафар беморлар (34,7%).

Ассий гуруҳдаги 46 нафар беморларда операциянинг ҳажми ва травматиклигини камайтириш мақсадида биз ишлаб чиққан биполяр эндопротезларни қўллаш ва суяк синиқларини сихлар билан фиксациялаш орқали амалга оширилган, яъни эрта эндопротезлаш тактикаси қўлланилган.

Назорат гуруҳидаги 33 нафар кекса беморларнинг 26 нафаридан стандарт сон компоненти, 7 нафар беморларда тафтишли сон компоненти (Wagner revision stem) қўлланилган ҳолда тотал эндопротезлаш бажарилган. Беморларни диагностика қилиш ва даволаш борасида қуйидаги усуллар ишлаб чиқилди: ССПС бор беморларни диагностика ва даволаш усули бўлмиш дастури - сун суягини эндопротезлашда суяк бўлакларини фиксациялаш усули ишлаб чиқилди (FAP №2423); сон суяги проксимал синишларининг диагностикаси ва жаррохлик даволаш усулларини танлаш учун дастур ишлаб чиқилди (DGU №21842); сон суяги проксимал синишлари бўлган беморларни текшириш картаси (DGU №22053) ишлаб чиқилди.

Кексаларда ССПС юзага келиши сабабларини таҳлил қилиш кўрсатдики, 42,5% беморларда шикаст уй шароитида, шу жумладан ён томонга йиқилганда (11,6%) ёки ҳаммомда йиқилганда содир бўлган. Демак, кексаларда учраган синишларнинг деярли ярмиси ССПС пастэнергетик синишлар ҳисобланди. ССПС мавжуд бўлган беморларда ёндош касалликлар ўрганилди (2-жадвалга қаранг). ССПС мавжуд кекса ёшдаги беморларнинг ҳаммасида ёндош касалликлар кузатилди. Улар орасида остеопороз энг кўп беморларда (94,2%) беморларда аниқланди. Кейинги ўринда сурункали камқонлик (48,3%), кейинги ўринларда семизлик (27,5%), сурункали гастритлар (22,5%) ва бошқалар бўлди. ССПС мавжуд кекса ёшдаги беморларда ёндош касалликларнинг кузатилиши шикаст кечишини, ташҳислашни, даволашни ва реабилитацияни жиддий тарзда оғирлаштирди.

2-жадвал

Сон суяги проксимал синишлари мавжуд беморлардаги ёндош касалликлар

Ёндош патология	Текширилган гуруҳлар	Жами
-----------------	----------------------	------

	Ретроспектив таҳлил гуруҳи		Асосий n (%)		Назорат n (%)		
	♂	♀	♂	♀	♂	♀	
1. Остеопороз	13	26	15	28	9	22	113 (94,2%)
2. Қандли диабет	2	4	7	16	6	9	44 (36,7%)
3. Гипертоник касаллик	3	5	4	13	4	11	40 (33,3%)
4. ЮИК ва миокард инфаркти	2	5	3	9	2	7	28 (23,3%)
5. Жигар касалликлари	1	4	1	6	3	4	19 (15,8%)
6. Таянч-ҳаракат тизимининг бошқа патологиялари	2	4	2	6	1	5	20 (20,7%)
7. Семизлик	2	6	4	11	3	7	33 (27,5%)
8. Сурункали камқонлик	3	6	9	21	7	12	58 (48,3%)
9. Оёқ веналарининг варикоз касаллиги	1	4	4	8	2	7	26 (21,7%)
10. Сурункали пиелонефрит	2	3	3	5	2	4	19 (15,8%)
11. Нафас тизими аъзолари касалликлари	1	2	3	10	2	4	22 (18,3%)
12. Нерв тизими касалликлари	1	3	2	5	1	3	15 (12,5%)
13. Сурункали гастрит	2	2	4	9	3	7	27 (22,5%)

Оператив аралашувлар вақтида эса мураккабликлар юзага келди: остеопороз сабабли суяк фрагментларининг синишлари, метал мосламаларни ва эндопротезларни ўрнатишда синишлар содир бўлиши, қандли диабет сабабли яллиғланишли жараёнлар ривожланиши каби ҳолатлар кузатилди. Веналарнинг варикоз кенгайиши ва камқонлик, юрак ишемик касаллиги ҳамда гипертоник касаллик радикал хирургик аралашувларни амалга оширишга тўсқинлик қилиши кузатилди.

Барча 120 нафар беморларда тос-сон бўғими ва сон суягининг стандарт олд ва ёнлама проекциялардаги рентгенографияси бажарилди, ва суяк синишлари ҳолати ва метал мосламаларнинг қай даражада туриши аниқланди.

ССПС мавжуд бўлган 79 нафар беморларда тос-сон бўғимининг МСКТ амалга оширилди. МСКТ синиш жойини, синиш чизиғини, суяк фрагментлари

борлиги ва уларнинг силжиш даражасини аниқлашга ёрдам берди. МСКТнинг шубҳасиз устунлиги шундаки, унинг ёрдамида патологияни учта текисликда аниқлаш имконияти бўлди. Бундан ташқари, сон суяги бошчаси ва acetabulum бўғим тоғайи, субхондриал суяк, acetabulum лаби, бўғим капсуласи ва параартикуляр мушаклар ҳолати ҳақида хулоса қилиш имконияти яратилди. Ундан ташқари, бўғим тирқиши торайиши даражаси, деформацияланган сон бошчаси шакли, синовит, некроз зоналари ва субхондрал кисталар мавжудлиги, айниқса суяк зичлиги Хаунсфильд бирликларида аниқланди.

Диссертациянинг «Сон суяги проксимал шикастлари мавжуд беморларни анъанавий усулда даволашнинг ретроспектив таҳлили натижалари» деб номланган учинчи бобда ССПС мавжуд бўлган 41 нафар беморларни металл мосламалар билан остеосинтез натижалари берилган (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Анъанавий услублар билан даволанган беморларнинг тақсимланиши

Беморлар ёши	Текширилган гуруҳлар, жинс		Жами
	эркак	аёл	
70 дан 75 гача	5	7	12 (29,3%)
75 дан 80 гача	8	15	23 (56,1%)
80 ва ундан катта	2	4	6 (14,6%)
Жами	15 (36,6%)	26 (63,4%)	41 (100%)

Ушбу гуруҳ беморларини даволашда остеосинтезнинг турли усуллари қўлланилган бўлиб, интрамедуляр блокловчи штифт (БИОС) тизимли остеосинтез – 12 беморда бажарилган, пластина билан (ЛСП) 16 нафар бемор даволанган, каминвазив пластина эса 13 нафар беморда қўлланган.

Турли металл мосламалар билан остеосинтез қўлланилишининг натижаларини баҳолашни 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатда уч балли тизим билан амалга оширдик:

Суяк синиқлари битиши ўз муддатида ва иккиламчи силжишсиз содир бўлганда даволаш натижалари яхши деб баҳоланди, бунда бемор мустақил юра олади, сон ва тос-сон бўғими соҳаларида оғриқлар йўқ.

Суяк синиқларининг кўндаланг ўлчамининг ¼ гача силжиши қолганда натижалар қониқарли ҳисобланди, бемор мустақил юра олади, аммо тос-сон бўғими соҳасида бироз оғриқларни қайд қилади ёки суяк синиқлари битиш муддати меъёрга нисбатан 2-3 ойгача чўзилади.

ССПСни турли металл мосламалар билан остеосинтезнинг қониқарсиз натижаларида кексаларда сохта бўғимлар қайд қилинди, суяк синиқларининг силжиши баргараф этилмаган, сон ва тос-сон бўғими соҳаларида кучли оғриқлар кузатилди, беморлар оғриқлар сабабли мустақил юра олмайди.

Турли металл мосламалар билан остеосинтез қилиш натижалари кўрсатдики, 41 кузатувдан 6 тасида (13,0%) яхши, 23 ҳолатларда (56,5%)

қониқарли даволаш натижаларига эришилди. 12 та (30,5%) кузатувда ҳар хил асоратлар билан бирга келган қониқарсиз натижалар қайд этилди. Шулардан 6 тасида сохта бўғимлар, 4 та ҳолатда секин ёки нотўғри битиш, 2 та вазиятда сон суяги бўйинчасининг варусли деформацияси ҳосил бўлиши қайд этилди. Бундан ташқари, коксартроз ва кучли оғриқлар мавжудлиги сабабли беморлар бир йилгача оёқларини боса олишмади ва юра олмадилар.


ССПС мавжуд кекса беморларни даволаш натижаларини таҳлил қилиш кўрсатдики, беморларнинг коморбид ҳолати, кўп сонли ёндош касалликларнинг ва тос-сон бўғими элементларидаги ўзгаришлар кўшилиб келиши металл мосламали остеосинтез учун ҳар доим ҳам мақбул бўлмайди. Суяк синиғи ва тос-сон бўғими патологиясини бир вақтда радикал тарзда ҳал қиладиган тос-сон бўғимини тотал эндопротезлаш анча яхши натижали ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Сон суягининг проксимал бўлими синишлари мавжуд беморларни эндопротезлаш услублари**» деб номланган тўртинчи бобида ССПСда беморларда эндопротезлашга бўлган кўрсатма ва қарши кўрсатмалар берилган. ССПСда тос-сон бўғими эндопротезини амалга оширишга кўрсатмалар сифатида қуйидагилар хизмат қилди: сон суягининг бошчаси ва бўйинчаси синишлари, кўстли синишлар, кўстли синишларда бемор тос-сон бўғими эндопротезидан бош тортганда турли фиксаторлар ёрдамида остеосинтезни бажариш мумкин. Тос-сон бўғимини эндопротезлашга қарши кўрсатмалар: сийдик айириш тизими касалликлари, иккинчи ёки учинчи даражадаги буйрак етишмовчилиги, юракнинг оғир нуқсонлари, қандли диабет, нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари (астма, пневмосклероз ва б.), ўткир тромбофлебит, қўл-оёқларнинг шоллиги ёки фалажи.

Кекса беморларда ССПСни хирургик даволаш алгоритми ишлаб чиқилди (DGU № 2023 0222). Шунингдек, диагностика, синиш жойига боғлиқ ҳолда турли диагностик услубларни ва эндопротезлаш усулларини қўллаш алгоритмлари таклиф қилинди. ССПС бор беморларда анъанавий усулда эндопротезлаш маълумотлари келтирилди. Назорат гуруҳидаги 26 нафар беморларда стандарт сон компоненти, 7 беморда тафтишли сон компоненти (Wagner revision stem) қўлланилган ҳолда тотал эндопротезлаш амалга оширилди. Эндопротез қисмларининг цементсиз фиксацияси 22 нафар беморларда ишлатилди, 11 беморларда эса цементли фиксация қўлланилди. Имплантатларни фиксациялаш усулини танлаш бемор ёшига, остеопороз ифодаланганлик даражасига, шунингдек acetabulum ва сон суягининг проксимал бўлимидаги ўзгаришлар характерига боғлиқ бўлди.

ССПС мавжуд беморларни тавсия этилган услублар билан эндопротезлашда кекса ёшли беморларда бир неча жиддий соматик (юрак-томир патологиялари, қандли диабет ва ш.к.) касалликлар билан намоён бўлган коморбид шароитда acetabulum сақланган ҳолатда (дегенератив-дистрофик ўзгаришлари йўқ бўлганда) оператив аралашув ҳажмини камайтириш ва беморларни вақтли фаоллаштириш учун эндопротезнинг стандарт сон оёғи қўлланилган тарзда тос-сон бўғимини эндопротезлашнинг

биполяр версияси қўлланилди. ССПСда стандарт сон компонентини қўллаш имконияти ҳалқа кўринишидаги “таранглаштирилган сихлар”дан (1-расмга қаранг) фойдаланиш натижасида пайдо бўлди, у суяк синиқларини бутунлигини бузмасдан, яъни склеряжнинг стрессли таъсирини ёки суякнинг металл сим билан тешилишига олиб келмасдан мустаҳкам фиксациялаш имкониятини берди.



Расм 1. Сон суягининг кўстлараро синишини эндопротезлашда суяк синиқларини сихлар билан фиксациялаш схемаси. А) орқадан кўриниши. Б) ён томондан кўриниши. 1 – сон суяги; 2 – сон суягининг узилган катта кўсти; 3 – сихлар; 4 – эндопротез бошчаси.

Кузатувлар кўрсатишича, тос-сон бўғимини биполяр эндопротезлашда ижобий самараларга эришиш, тотал протезлашга солиштирганда, операция аралашувнинг ҳажми ва травматиклигининг камлиги билан намоён бўлди.

Биполяр эндопротезлашнинг устунликлари: оператив аралашув вақти ва қон йўқотилиши камаюди, операция давомийлиги ўртача ярим соатни ташкил қилади. Максимал тез реабилитацияга эришилади. Имплантатларнинг бошқа турлари билан протезлашга солиштирганда техник жиҳатдан оддий бажарилади. Кўпгина ишлаб чиқарувчилар алмашинадиган бошчали протезларни таклиф этишади, бу ҳар бир индивидуал бемор учун имплантатни танлаш масаласини енгиллаштиради, шунингдек тафтишли операция масаласини оддийлаштиради, протез хизмат қилишининг узоқ муддати, тос-сон бўғимини тотал эндопротезлашга (икки соатдан ортиқ давом этади) таққосланганда, биполяр эндопротезлаш (ярим соат) бир неча марта тез бажарилади. Наркоз остида ёки маҳалий оғриқсизлантириш шароитида амалга оширилиши мумкин. Тотал эндопротезлашга қараганда усул травматиклиги ва энергия сарфи анча кам.

Тотал эндопротезлашда массив гемотрансфузия амалга оширилади, бу кекса ва сурункали касалликларига эга беморлар учун мақбул эмас.

Таклиф қилинаётган манипуляцияларнинг нисбатан оддийлигига боғлиқ ҳолда жараённинг жиддий арзонлашиши ҳам келиб чиқади, операциядан кейинги муддат минимал – бемор операциядан кейин эртасигаёқ оёққа туради.

Ишлаб чиқилган услуб бўйича эндопротезлашни ССПС мавжуд 46 нафар кекса ёшдаги беморларда қўлладик. Шулардан 13 нафарида сон суяги бўйинчаси синиши, 31 беморда кўст ва кўсталаро синиши, 11 беморда парчали ССПС аниқланди.

Биполяр протезни ўрнатишга қарши кўрсатмалар бўлиб acetabulum синиши ёки унинг дисплазияси, сон суягининг чиқиши, синиши ва acetabulum импрессияси, бўғимнинг барқарорлиги йўқотилишига олиб келган acetabulum томининг қийшиқ чизиғи деб олинди.

Кекса ёшдаги беморларда ССПСда эндопротезлаш ушбу тоифадаги беморларнинг таяниш қобилияти ва оёқ функцияси тикланиши тез содир бўлиши борасида хирургик йўл билан даволашнинг энг оптимал услуги ҳисобланади. Zweimuller alloclassic, Wagner бўйича тос-сон бўғими сон компонентлари тизими суяк синиқларини серкляж ва винтлар билан мустаҳкам фиксациялаш имконини берди. Кекса ёшдагиларда биполяр бошчали сон компонентларини қўллаш оператив аралашувнинг ҳажми ва давомийлиги қисқаришига сабабчи бўлди.

